

Құтлуғ түйга түёна

Марғилон шаҳрида Мустақиллигимизнинг 30 йиллик түйига муносиб тухфа сифатида 30 та оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари очилиши режалаштирилган.

Хусусан бугун ҳам рус ва инглиз тиллари, шунингдек, ментал арифметикани чуқур үргатишга ихтисослаштирилган "Зиннура" ҳамда "Кичкинтойлар саройи" номли навбатдаги оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият бошлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов, сектор раҳбарлари, шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири X.Курбонова ҳамда бир гурӯҳ нуронийлар иштирок этдилар.

Хусусий тадбиркорлар Манзура ва Машҳура Эгамбердиевалар ташабbusи билан ташкил этилган ушбу таълим масканларининг очилиши ҳисобига 8 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланиб, 50 нафар болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун шароит яратилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-17 19:34:54